## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 1041-ҳадис

1041 – وَعَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ خَلِيلِي صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «تَبْلُغُ الحِلْيَةُ مِنَ الْمُؤْمِنِ حَيْثُ يَبْلُغُ الوُضُوءُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [250].

1041. Яна у кишидан ривоят қилинади:

“Халилим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

**«Мўминнинг зийнати таҳорат суви етган жойгача боради», деганларини эшитганман»,** , деганларини эшитганман».

*Имом Муслим ривояти.*

**Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагича:**

Абу Ҳозимдан ривоят қилинади: «Абу Ҳурайра намоз учун таҳорат қилаётган эди. Мен унинг орқасида турган эдим. У қўлини қўлтиғигача етказиб ювди. Мен унга: «Эй Абу Ҳурайра, бу қанақа таҳорат?» деган эдим, у шундай деди: «Эй Бану Фаррух, сизлар шу ерда экансизлар-да! Шу ердалигингизни билсам, бундай таҳорат қилмас эдим. Мен Халилим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Мўминнинг зийнати таҳорат суви етган жойгача боради», деганларини эшитганман». (Имом Муслим ривояти)

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI